

ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Битирув малакавий иши
Ихтисослик- 5210200


Тасвирий санъат тарихи ва
назарияси бўлими
Илҳамова Динора Алимжановна

Илмий раҳбар: меъм.ф.д., проф.
Юсупова Мавлуда Аминжоновна

ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ



- **Асосий мақсад** - Тошкент шаҳри мадрасаларини ҳар томонлама ўрганиб, мавжуд бўлган ва янги очилган маълумотларни умумлаштириб, таҳлил этиб, мазкур обидаларнинг Ўзбекистон меъморчилигидаги аҳамиятини ва ҳудудий ўзига ҳослигини очиб беришдир.



Моваруннахрнинг мумтоз мадрасалари тўғри тўртбурчак планли, ўртаси ҳовлили бино кўринишида бўлган.

Ҳовли атрофи бир ёки икки қаватли хужралар билан ўралган, тўрт бурчагида катта гумбазли хоналари қурилган. Улардан қибла томондаги гумбазли хона -масжид, қолган учта гумбазли хона эса дарсхоналар учун мўлжалланган.

Мадрасага муҳташам пештоқдан кирилган. Ички ҳовлининг ўқларида маҳобатли пештоқлар қурилган

Бухоро мадрасаларида:


бино бош тарзида очиқ равоқли галерея ва бурчакларида пастак гулдаста-миноралар жойлашган; бош ва ҳовли пештоқлари равоқли кириш тоқчалари серқиррали бўлган; ички ҳовли бурчаклари кесилиб, ҳосил бўлган қирраларга бурчакдаги хоналарга элтувчи мустақил эшиклар ўрнатилган ва ҳ.

Самарқанд мадрасаларида:

бош тарз қанотлари ташқарига очиқ лоджияларсиз, берк девор билан қаратилган; бино бурчакларида баланд-баланд миноралар қурилган.

Хива мадрасалари Бухоро меъморлигининг кучли таъсири остида қурилган. Уларга хос асосий жиҳат – бу мадрасага киришда девор билан ўралган ҳовли борлигидир.

ХҲЖА АХРОР ВАЛИ МАДРАСАСИ



У ўлчами ва меъморий ечими бўйича Ғиждувондаги Улуғбек мадрасасига яқин бўлган (32,5x29 м.). Иқалласининг тўғри тўртбурчак планли масжиди параллел равоқларга таянган учта кичик гумбаз билан ёпилган.


0 2 4 6 8 10

Хужа Ахрор мадрасаси



- **Хужа Ахрор мадрасаси Тошкентнинг энг кадимий мадрасаларидан бири булган.**
- **У 1451 йили Хужа Ахрор Валий томонидан курилган.**
- **Хажми ва безаги жихатидан XIX асрда ҳам Тошкентнинг энг кузга курунган мадрасалари таркибига кирган.**
- **Мадраса 1917 йилларда ҳам уз иш фаолиятни олиб борган.**
- **1954 йилда бузилиб кетган.**

БАРОКХОН МАДРАСАСИ



XVI асрнинг ўрталарида иккита мақбарани қамраб олган ҳолда қурилди. Дастлаб бинонинг шарқий томонида мўъжазгина Номаълум мақбара, 1525 – 1531 йилларда эса Суюниджхон мақбараси қурилади. XVI асрда мадрасанинг пештоқи ва хужралар қад кўтарди.

0 5 10


Бароқхон мадрасаси



Бароқхон мадрасаси




ТОШКЕНТ МАДРАСАЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ



1. Кўкалдош мадрасаси
2. Хўжа Аҳрор Вали жоъме масжиди
3. Хўжа Аҳрор Вали мадрасаси
4. Гулбозор масжиди

Кукалдош мадрасаси



1830-1831 йилларда Кўкалдош мадрасасининг иккинчи қавати бузилади. Унинг ғиштлари эса бу вақтда янги Бекларбеги мадрасасини қуришга ишлатилган. 1868 йилиги zilзилада унинг асосий пештоқи қулаб тушади.

Кукалдош мадрасаси




Кўкалдош мадрасаси Чорсу майдонида 1551-1575 йилларда Дарвешхоннинг суддош укаси Тошкент вазири Кўкалдош томонидан қурилган. У маҳобатли меъморлиги билан ўша давр Самарканд ва Бухоронинг гўзал мадрасалардан қолишмаган.

ЗАНГИ ОТА МАДРАСАСИ



**1832 йилда
Нормуҳаммад Қушбеги
томонидан Занги Бува
(XV а.) мақбаралари
жойлашган ҳовлига
кириш қисмининг чап
қанотида жойлашган.
Занги Ота комплекс
бўлиб, таркибига
устунлар кетма-
кетлигидаги, шифти
васса қўлланмасида
беркитилган ёзги
масжиди хонақоҳи билан,
мақбара (Занги Ота),
чиллахона, ҳалимхона,
мадраса ва ҳовли
ўртасидаги минорадан
ташқил топган.**

Мўйи Муборак мадрасаси



Мўйи Муборак мадрасаси. XIX аср.

- *Хозирда мадрасанинг бир қисми Тилла Шайх масжиди таркибида қолган.*

Мўйи Муборак мадрасаси





1856-57 йилларда Бароқхон мадрасаси қаршисида Қўқон хони Мирзааҳмад Кушбеги Мўйи Муборак мадрасасини, унинг ёнига Тилла Шайх масжидини қурдиради.

Муйи Муборак мадрасаси



XVI асрда қурилган, бироқ кейинчалик бузилиб кетган. 1856-1857 йилларда Қўқон хони Мирзо Аҳмад амри билан қайта тикланган. Мадраса хоналарининг бирида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. нинг мўйлари сақланмоқда. Шу боис мадрасага бундай ном берилган.

АБУЛҚОСИМ ЭШОН МАДРАСАСИ



Абулқосим мақбараси. XIX аср. 1 ва 2 қават тархлари.


АБУЛҚОСИМ ЭШОН МАДРАСАСИ



АБУЛҚОСИМ
МАДРАСАСИ
БЕШЁҒОЧ
ДАҲАСИДА 1850
ЙИЛДА, МАВЖУД
ХОНАҚОЙИ
МЎЙИ
МУБОРАКНИ
ТАРКИБИГА
ОЛГАН
РАВИШДА
АБУЛҚОСИМ
ЭШОН
ТОМОНИДАН
ҚУРДИРИЛАДИ.

МАДРАСА ҲОВЛИСИДА УСТИ ГУМБАЗ
ҚИЛИБ БЕРКИТИЛГАН ЁПИҚ СУВ
ҲАВЗАСИ – САРДОБА БЎЛГАН

АБУЛҚОСИМ ЭШОН МАДРАСАСИ



ДАРВОЗАДАН
КИРАВЕРИШДА ЧАПДА
ДАРСХОНА, УНГДА
МАСЖИД. ҲОВЛИ
ТЎҒРИСИДА ЭСА –
АБУЛҚОСИМНИНГ ОТАСИ
ТОМОНИДАН ҚУРИЛГАН
ХОНАҚОЙИ МУЙИ
МУБОРАК ЖОЙЛАШГАН



ХУЛОСА

- Умумминтақавий меъморий асос— қолипга таянган ҳолда Тошкент мадрасалари меъморлигида маҳаллий ўзига ҳос ҳусусиятлар ҳам шаклланган.
- Тошкент мадрасалари меъморчилигида, Темурийлар ва Шайбонийлар даврида юксалиш кузатилган. Бу ерда XV асрда – Самарқанд, XVI асрда эса – Бухоро меъморлик мактабининг таъсири катта бўлиб, айнан шу даврларда Тошкентнинг аҳамиятли бинолари– Ҳўжа Ахрор Вали, Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари қурилган. Кейинги даврларда Бухоро меъморлик мактаби таъсирининг устуворлиги сақланиб келган.

ХУЛОСА. Тошкент мадрасалари меъморлиги ҳусусиятлари:

бинонинг йирик – кичиклигига қарамай ички ҳовлисида асосий ўқида жойлашган фақат иккита пештоқи бўлган;

кечки ўрта асрларда бино гулдасталари ва унинг тепасидаги қафасалар ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан йирикрок қурилган;

Тошкент шаҳри Чор Россиясига қўшилгандан кейин, бу ерда илк бор Европа қурилиши анъаналари таъсири кучая борди - “солдати” ғиштининг қўлланиши, гумбаз ва қафасаларни темир туникадан яшаш, ёки таъмир жараёнида эски ғиштин гумбазларнинг устини темир туника билан қоплаш бунга мисолдир.